# КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

# РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАНИШ МУҚАРРАР ТУС ОЛСИН

1988 йил 1 июлдаги кечки мажлисда делегатлар М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатда социал гарантияларнинг кенг кўламли системаси таркиб топди, деди Совет хотин-қизлари комитетининг раиси **З. П. Пухова**. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўйлаб қўйилган ишларнинг ҳаммаси рўёбга чиқдими? Ҳаммаси рўёбга чиққани йўқ.

Шуни рўй-рост тан олиш керакки, деб таъкидлади делегат, мамлакатдаги аёллар аҳволи ҳозиргача ҳам социал-сиёсий муаммо бўлиб турибди. Бу муаммони ҳал этиш қайта қуриш муваффақиятларига боғлиқдир, ўз навбатида эса қайта қуриш хотин-қизларга, уларнинг қайта қуришда нечоғлик фаол иштирок этишларига боғлиқ бўлади.

70 йил мобайнида мамлакатда меҳнаткаш, она ва граждан бўлган совет аёлининг янги қиёфаси қарор топди. Аммо, бу бурчларни бир вақтнинг ўзида бажариш учун қандай шароитлар бор? Афсуски, муаммонинг ўткирлигини жамиятимиз ҳали англаб олгани йўқ, деб ҳисоблайди нотиқ.

Туб иқтисодий ислоҳотнинг жорий этилиши аҳволни ўзгартириши лозим эди. Лекин ҳозирча янги ислоҳот янги муаммоларни вужудга келтирди. Корхоналарнинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши, бригада пудрати сингари меҳнатни ташкил этиш формаларининг жорий этилиши меҳнат коллективининг энг нозик қисми бўлган болали аёлларни қалтис аҳволга солди. Улар «номатлуб» ишчи кучига айланиб қолмоқдалар. Штатлар қисқартирилаётганида аввало аёлларни бўшатмоқдалар.

Хўжалик ҳисоби шароитида идораларга бўйсунган мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасалардаги болаларни «ўз» болаларига ва «бегона» болаларга бўлишдек, маданий соғломлаштириш мактабларига мўлжалланган маблағларни тежаш, оталиқ ёрдамига ажратилаётган маблағларни асоссиз иқтисод қилиш муаммолари ҳам пайдо бўлди. Ахир булар фақат иқтисодий муаммолар эмас-ку. Хўжалик раҳбарлари кўпинча инженерлик тафаккурини ишга солишдан кўра иш вақтидан ўз билгиларича фойдаланмоқчи бўладилар: турлича графиклар ишлаб чиқадилар, «қора» шанбалар жорий этадилар, аёлларнинг кечки сменада ишлашини батамом истисно этиш тўғрисида ўйламайдилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик асосларида аёлларнинг тунги сменада ишлаши тақиқланади ва алоҳида зарурат туғилган ҳоллардагина вақтинчалик чора сифатидагина йўл қўйилади, деб аниқ айтиб қўйилган-ку. Бу вақтинчалик чора чўзилиб кетмадимикан? Бир қанча министрликлар шу ўткир масалани ниҳоятда суст ҳал этмоқдалар, суръат шу таҳлитда бўлса, эллик йил ҳам кифоя қилмайди.

Конституцияда, хотин-қизларга катта ҳуқуқлар бериб қўйилган. Совет хотин-қизлар комитети раисининг фикрича, ана шу ҳуқуқларни ва қабул қилинаётган қарорларни ҳимоя қилиш бош масаладир. Бизда аёлларнинг социал жиҳатдан ҳимояланишига кафолат берадиган, қонунларнинг бажарилишини назорат қиладиган механизм йўқ.

Делегат мазкур масалани ўрганиб чиқишни СССР Министрлар Советининг социал ривожланиш бюросига топшириш ва комплекс социал программаларни тайёрлашда аёлларга оид махсус программа тузилишини назарда тутиш тўғрисида таклиф киритди. Қабул қилинаётган қарорларнинг социал оқибатларини мунтазам таҳлил қилиб бориш керак.

Делегат ўз нутқининг пировардида янгича фикрлаш хотин-қизларни хўжалик, жамоат ва давлат раҳбарлик лавозимларига кўтариш муаммосига янгича ёндашишни талаб этаяпти, деди.

Раислик қилувчи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачевга сўз беради. У бундай деди:

Ҳурматли ўртоқлар! Менга Борис Николаевич Ельциннинг нутқи муносабати билан гапириш раҳбариятнинг бошқа вакилларига нисбатан қийинроқ бўлса керак. Гап менинг хусусимда ҳам борганлиги учунгина шундай эмас. Бор ҳақиқатни айтиб бериш вақти келди. Нега гапириш қийин? Чунки мен уни Марказий Комитет секретариати составига, сўнгра Сиёсий бюрога тавсия этган эдим. Мен нимага асосланган эдим? Мен шунга асосланган эдимки, Борис Николаевич Ельцин — ғайратли одам, ўша кезлари у партияда ҳаммамиз ҳурмат қиладиган, таниқли Свердловск область партия ташкилотига раҳбарлик соҳасида катта тажрибага эга эди. Мен Марказий Комитет секретари сифатида Свердловск шаҳрига борганимда бу ташкилотни иш устида кўрган эдим.

Индамасдан туриш мумкин эмас, чунки коммунист Ельцин нотўғри йўл тутмоқда. Унинг ғайрати бунёдкорликка эмас, бузишга қаратилган экан. Унинг қайта қуриш жараёнига партия томонидан маъқулланган ёндашувлар ва иш методларига бераётган баҳолари асоссиз ва нотўғридир. Москва шаҳар партия комитети ҳам, Марказий Комитет Пленуми ҳам шундай хулосага келди. Мазкур Пленум бўлаётганида унинг саломатлиги яхши эди. Москва шаҳар комитетининг ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида 50 дан ортиқ киши сўзга чиқди ва улар якдиллик билан сизга маълум бўлган қарорни қабул қилдилар.

Унинг нутқида оқилона таклифлар бор. Аммо умуман бу нутқ шундан далолат бериб турибдики, сен, Борис, тўғри сиёсий хулосалар чиқармагансан. Бунинг устига сен бизнинг бутун сиёсатимизни батамом тайёргарликсиз бошланган деб тақдим этмоқдасан.

Сиз, ўртоқлар, эътибор беринг, қайта қуриш сиёсати чуқур таҳлилсиз эълон қилинган эмиш... Қайта қуриш ножўя бошланган эмиш... ва сезиларли натижаларга эришилмаган эмиш.

Демак, шу хусусда докладда ва тўрт кун мобайнида делегатларнинг нутқларида айтилган гаплар бошдан оёқ уйдирма экан-да? Демак, партия ва халқнинг меҳнати беҳуда кетибди-да? Айтишим керакки, бу чуқур янгилишишдир. Холис айтадиган бўлсак, шубҳа уруғларини сочишга қаратилгандир — буни эса чет элдаги ғанимларимиз орзиқиб кутиб турибдилар. Партия ўтказаётган сиёсий йўлнинг тўғрилиги шубҳа остига олинмоқда. Кечирасан-у, аммо бу ўринда биз сен билан тактикадагина эмас, стратегияда ҳам қарама-қарши фикрдамиз.

Яна шуни айтишим керакки, сен шубҳали усулдан, ўртоқларга хос бўлмаган усулдан фойдаланмоқдасан: аввало бошқа кишига унга хос бўлмаган қусурларни тиркаб, сўнгра унга ҳамла қилиб қораламоқдасан. Энди буни андиша билан ғалати ҳол деса бўлади.

Шу муносабат билан, ўртоқлар, сиздан шуни илтимос қилмоқчиманки, менга партия ишига ва унинг сиёсатига менинг позициямни, менинг қарашимни қисқа баён этишга имконият берилса. Ниҳоятда лўнда қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин: Сиёсий бюро позицияси бу менинг ҳам позициямдир. Қандай ишлаётганим ҳақида сиз айтишингиз мумкин. Чин кўнгилдан шуни айтмоқчиманки, қайта қуриш ва жадаллаштириш сиёсати бу сизнинг, бу менинг ва ўртоқларимнинг ҳаётий ишидир.

Тарих масалани қуйидаги тахлитда қўйди: ё мамлакат бундан буён ҳам карахт бўлиб қолаверади, ёки куч-қувват тўплаб олға, тараққиёт сари интилади. Масала шу тахлитда турибди ва бошқача йўл йўқ.

Мазкур партия конференцияси бизга каттароқ ишонч ва сиёсий тажриба бахш этди, десам, сиз бунга қўшиласиз, деб ўйлайман. Ўтган кунлар мобайнида шу залда бўлган гаплар қайта қуришнинг улуғ ишини анча илгарига силжитди, десам муболаға бўлмайди.

Бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Конференция арафасида чет элларда роса сафсатабозлик қилишди. Жилд-жилд асарлар ёзилди. Айниқса, гўё раҳбариятда ихтилофлар кўзга чалинмоқда, деб аюҳаннос солинди. Ана шу сафсаталарнинг барчаси совун пуфагидек ёрилиб кетди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ шуни айтиш мумкинки, партия конференциясидан сиз билан биз ва бизнинг раҳбариятимиз яна ҳам жипслашиб, жамиятимизни қайта қуриш учун курашда янада бардам бўлиб чиқмоқдамиз. (**Қарсаклар**). Бунинг устига, шуни таъкидлашни истардимки, бу сохта жипслашув эмас, балки ҳақиқий жипслашувдир. Бу жипслашувга социализмни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ўтказилган мунозараларда, фикрлашиб олишларда эришилди.

Ихтиёримизда қандай кучлар борлигини кўриш ва англаб олиш жуда муҳимдир, ўртоқлар. Булар жуда катта кучдир. Конференциямизнинг иши шундан далолат бериб турибди. Анжуманимиз халқнинг уйғонган фикрини намойиш этмоқда, бу фикр замирида жуда катта ўзгартирувчилик қудрати бор.

Шу билан бирга, қайси нуқтаи назардан — тарихий, сиёсий ва маънавий нуқтаи назардан қарамайлик, Октябрь революциясидан кейин неча ўн йиллар мобайнида миллион-миллионлаб коммунистлар, меҳнаткашлар социализм кўпроқ бўлиши учун курашда ўз куч-қудратини, ўз жасоратини, ўз ҳаётини бахшида этганликларини унутиш инсофдан бўлмас эди, бу докладда ҳам унутилмаган. Уларнинг партия билетларида, меҳнат биографияларида принципсизлик ва амалпарастлик доғи йўқ. Уларнинг порлоқ номлари, Ватанимизнинг моддий-маънавий бойлигига пойдевор бўлган меҳнатдаги зафарлари бугун ҳам партия ва халқнинг бунёдкорлик ишига хизмат қилмоқда.

Шахсга сиғиниш нималигини мен, афсуски, фақат эшитибгина билиб олмаганман. Ўзим ҳақимда гапиришни истамас эдим, аммо, бизнинг оиламизда ҳам отиб ташланганлар ва партиядан ўчирилганлар бўлган. Партия XX съездидан кейин улар граждан ва коммунист сифатида оқланишди. Халқимиз шахсга сиғинишга ва турғунлик ҳолатларига қарамай, кўпгина қаҳрамонона ишлар қилганлигини биз яхши биламиз ва мен бу борада Бондарев ва Олейник ўртоқларнинг нутқларини тўла ва батамом қўллаб-қувватлайман. (**Қарсаклар**).

Ўртоқлар, тарихий ҳақиқатни тиклашни рўкач қилиб, кўпинча ана шу ҳақиқатни батамом бузиб кўрсатиш содир бўлаётганлигига қўшилиб бўладими, ахир? Ўзимизда чиқаётган газета ва журналларда совет кишиларини қул деб кўрсатишаётгани (мен ана шу нашрлардан деярли айнан келтирмоқдаман), уларни гўё фақат ёлғон-яшиқ ва сафсата билан «боқишгани» ва шафқатсизлик билан эксплуатация қилишгани ҳақидаги гапларга қўшилиб бўладими, ахир?

Матбуотимиз қайта қуриш борасида катта иш қилди. Аммо шу билан бир қаторда, юрагим ўртаниб бўлса ҳам, шуни айтишим керакки, газеталарнинг айрим редакторлари, таъкидлаб айтаманки, айримлари Марказий Комитет ва Марказий Комитет Бош секретари уларга ҳурмат ва ишонч билан қараётганликларини ўзбошимчалик қилиш имконияти бор, партия назоратидан чиқиб кетиш имконияти бор, деб газеталардан шахсий адоват йўлида фойдаланиш имконияти бор деб тушунганга ўхшайдилар. Гуруҳбозлик номуносиб одамларни қўллаб-қувватламоқда. Худди ана шу номуносиб одамлар қайта қуришга қаршилик ўсиб бормоқда, деган фикрни айтдилар. Қайта қуриш душманларини қидириш, уларнинг рўйхатини тузиш фикри ҳам шулардан чиқди. Кўпинча ана шу мақсадда газетхонларнинг мутлақо нохолис хатлари танлаб олинмоқда. (**Қарсаклар**). Марказий Комитет ва газета ҳамда журналларнинг редакцион коллегиялари делегатларнинг шу хусусдаги батамом тўғри, принципиал нутқларидан зарур хулосалар чиқариб оладилар, деб ўйлаймиз.

Турғунлик йилларида мен шароити оғир, аммо ажойиб ўлка — Сибирда яшадим ва ишладим. Мендан ўша кезлар нима иш қилган эдингиз, деб тез-тез сўраб туришади. Ифтихор билан: социализм қурдим, деб жавоб бераман. Бундай одамлар миллионлаб бўлган эди. (**Қарсаклар**). Тақдирим кимлар билан боғланганини, кимлар билан шодлик ва ғам-ғуссани баҳам кўрганимни айтмасам, сотқинлик бўлур эди. Уларнинг кўпчилиги оламдан ўтиб кетди. Ҳамма ишимиз ҳам осонликча кўчмади. Ишнинг кам-кўстларини тузатишга, қайтадан бошлашга ҳам тўғри келган эди, аммо тер тўкиб ишладик, эҳтимолки, Сибирдан нарига жўнатишмасликларини билиб шундай ишлагандирмиз. (**Залда жонланиш**). Одамлар яхшироқ яшасин, давлатга кўпроқ маҳсулот берайлик, деб область манфаатини ҳимоя қилиб ишлайвердик.

Гапирмоқчи эмас эдим, лекин нима учун гапираётганимни сиз ўқиб олишингизни билганим учун айтаман. Мен ва конференцияда иштирок этаётган ўртоқларим ишлаган область мана ўн йилдан буён ўзида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини тўла-тўкис таъминлаб турибди, дастурхон тўкин-сочин, сен эса, Борис, тўққиз йил обком секретари бўлиб ишладинг ва область меҳнаткашлари қўлидан талон тушмай қолди. (**Қарсаклар**). Сиёсий сафсата нима-ю, реаллик нима — очиқ-ойдин кўриниб турибди. Сўз билан иш ўртасидаги тафовут нималарга олиб келиши аён билиниб турибди. (**Қарсаклар**).

Бошқа нарса ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Чунки Лигачев ҳақида баъзан бир томонлама фикр юритмоқдалар. Ўша кезлар мамлакатда, марказда ва кўпгина регионларда турғунлик ҳолатлари авж олаётган эди. Ҳозир бу ҳақда Сибирда ишлаган вақтимдагига қараганда кўпроқ биламан. Мамлакат кризисга яқинлашиб келаётган эди, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, порахўрлик авж олди, интизом бўшашди, ичкиликбозлик жамиятнинг тинкасини қуритди, мамлакатнинг халқаро обрўси мунтасил тушиб борди. Ҳокимиятнинг энг тепасида маънавий айниш борарди. Мамлакатнинг илгариги раҳбарияти зўр бериб мақталарди. Партияга даҳшатли хавф пайдо бўлди. В. И. Ленин қуйидагиларни бежиз айтмаган эди: «Шу чоққача ҳалок бўлган барча революцион партиялар кибрланганликларидан ва ўз кучларининг нимада эканлигини кўра билмаганликларидан ҳамда ўзларининг заиф томонлари тўғрисида гапиришдан қўрққанликларидан ҳалок бўлдилар».

Мен диққат-эътиборингизни Марказий Комитетнинг 1985 йилдаги апрель Пленумига эмас, март Пленумига қаратмоқчиман. Шу Пленумда Марказий Комитетнинг Бош секретари масаласи ҳал этилган эди. Бор ҳақиқатни айтиш керак: таҳликали кунлар бўлган эди. Мен ўша воқеалар марказида бўлдим. Шу боисдан фикримни айтиш имконияти бор. Мутлақо бошқача қарорлар бўлиши мумкин эди. Худди шундай реал хавф бўлган.

Сизга шуни айтишни истайманки, Сиёсий бюро аъзолари — Чебриков, Соломенцев, Громико ўртоқлар ва область партия комитетлари биринчи секретарлари катта группасининг тутган қатъий позицияси туфайли Марказий Комитетининг март Пленумида ягона тўғри қарор қабул қилинди. (**Қарсаклар**). Марказий Комитетнинг апрель Пленуми воқелик кўзига тик қараб, хатоларни очиб ташлади ва жадаллаштириш ҳамда янгиланиш стратегиясини белгилади. Ўша давр ва ҳозирги даврни тушунишимнинг моҳияти ана шундадир ва назаримда, бунда янгиланиш ва ворисийликнинг диалектик бирлиги мужассам бўлган.

Энди қайта қуриш суръатлари ҳақида гапирмоқчиман. Эҳтимолки, булар маълум гаплардир. Қайта қуриш қийин ва узоқ давом этадиган жараёндир. Етилган муаммолардан ўзини четга олмаслик, уларни ғайрат билан, новаторчасига, эҳтиёткорлик билан, оқибатларини ҳисобга олиб, аммо ҳовлиқмасдан ҳал этиш керак, ўртоқлар. Сиёсат билан шуғулланиш, сизга оғир ботса, мазур тутасиз, оғиздаги луқмани ютиш эмас. Қатъият билан бирга албатта эҳтиёткорлик ҳам бўлиши керак. Донолар «етти ўлчаб бир кес» деб бежиз айтишмаган.

Энг асосийси—амалий ишлар билан, сезиларли натижалар билан илгари қараб ҳаракат қилиб бораверишдадир. Натижадорлик— ҳар бир коллектив ва ҳар бир ходимга баҳо беришда ҳал қилувчи мезон бўлиши керак. Бизда бир тоифа одамлар кўпайиб кетди. Улар ҳақида халқ: «гап деса қоп-қоп, иш деса кўҳиқофдан топ» дейди.

Марказий Комитет секретариати иши тўғрисида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Менга Марказий Комитет секретариатида жорий ишни олиб бориш топширилган. Бу Сиёсий бюронинг топшириғидир. Секретариат жорий ишни ташкил этиш ва назорат қилишга катта эътибор бермоқда. Шуни очиқ айтишим керакки, Марказий Комитет секретарлари жойлардаги ва марказдаги аҳволни ўрганишаётганида, Марказий Комитетда масалалар муҳокама қилинаётганида баъзан кадрларнинг интизомсизлик қилишаётганига, раҳбарликдаги бўшангликка дуч келадилар. Бундай ҳолда биз қандай иш тутамиз, чинакамига партиявий талабчан бўламиз. Ахир биз жамиятда танқид учун ёпиқ бўлган, назорат қилинмайдиган зоналар бўлмаслиги керак, деб келишиб олганмиз-ку. Аммо, шуни таъкидламоқчиманки, Марказий Комитетда ниҳоятда ўткир муаммолар муҳокама қилинаётганида талабчанлик билан бир қаторда ҳамиша ўртоқларни ҳурмат қилиш руҳи бўлади. Ҳеч ким ҳеч кимнинг зиммасига салбий фактларни қидириб топиш вазифасини қўймайди. албатта. Бирон бир кишига нисбатан шундай бўлса, бу қабиҳ иш бўлур эди.

Б. Н. Ельцин Марказий Комитет Пленумида ўзи Москва шаҳар партия комитетида нимаики ножўя ишлар қилган бўлса, Марказий Комитет секретариатини худди шуларда айблади. Шуни айтишим керакки, у шаҳар партия комитетининг секретари бўлганида секретариат мажлисларига келмас эди. Яна бошқа нарсани ҳам айтмоқчиман. Ишониш қийин, аммо, факт шундай. Сиёсий бюро составида бўлиб ва унинг саккиз-тўққиз соат ва ўн соат давом этадиган мажлисларида қатнашиб, у мамлакатнинг ҳаётий муҳим муаммоларини муҳокама этишда ва бутун халқ кутиб турган қарорларни қабул қилишда умуман иштирок этмас эди. Лом-мим демасдан кутиб тураверар эди. Жуда хунук ҳол, аммо, факт ана шундай. Ахир буни партиявий ўртоқлик, деб бўладими, Борис? Марказий Комитет секретарлари, Марказий Комитет аппарати ёрдам бериш, жойларда ишни йўлга қўйишни ўз вазифаси, ўз фаолиятининг мазмуни деб биладилар. Марказий Комитет секретарлари ва Марказий Комитет аппарати, ходимларининг мамлакат бўйлаб одат тусига кириб қолган сафарлари, партия активлари ва меҳнат коллективлари билан мулоқоти шундан далолат бериб турибди.

Аммо, мен қуйидагиларни айтмасам, ноҳақ бўлур эдим. Марказий Комитет секретариати ишида жиддий камчиликлар ва заиф жиҳатлар бор. Биз кундалик хўжалик масалаларини ҳал этишга жуда берилиб кетганмиз. Ҳа, жуда ружу қўйганмиз. Баъзан биз қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминламасдан янги қарор қабул қиламиз. Хуллас, ихтиёримизда резервлар бор ва ишни жадаллаштиришимиз керак. Очиқ айтадиган бўлсам, ўртоқларим ниҳоятда зўриқиб ва тинка қурийдиган даражада ишлашади. Бу аввало Бош секретарга таaллуқлидир. (**Қарсаклар**).

Шу муносабат билан биз раҳбар органларга сурункасига икки муддат сайлаш тўғрисидаги таклифни ниҳоятда хотиржамлик билан қабул қилмоқдамиз, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариати ҳозирги составидаги кўпчилик ўртоқларимиз, иш шу қадар тиғиз экан, куч-қувватимиз беш йилга етса ҳам шукур қиламиз, демоқдалар. (**Қарсаклар**).

Бу ерда социал адолат тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Бу масала мени ҳам ҳаяжонга солади. Меҳнатига яраша —социалистик социал адолатнинг моҳияти ана шундадир. Жамиятимизда ушбу принципга риоя қилинмаяпти, у кўпинча бузилмоқда, дейишяпти. Тўғри айтишяпти. Бунда кўпинча партия аппаратини назарда тутишмоқда. Бу ўринда баъзи нарсаларни аниқлаб олиш ва айрим нарсаларни бамайлихотир таҳлил этиш керак, деб ўйлайман.

Маълум бўлишича, тарқалган фикрга қарамай, партия ходимлари иш ҳақи бўйича мамлакатда 26-ўринда турадилар. Партия ходимининг ўртача иш ҳақи 216 сўмдир. Халқ хўжалиги мутахассисларини партия органларига ишга сайлашганида, уларнинг иш ҳақи кўпинча анча камайиб қолади. Шу сабабли партия ходимларининг состави ёмонлашаётганини айтиш лозим бўлади. Бу ҳақда делегат ўртоқ Саранских хавотирланиб гапирди. Мен яқинда Куйбишев областида бўлганимда, кўпгина ишчи коммунистлар ҳам шу ҳақда гапиришди.

Умуман имтиёзлар ҳақида қуйидагиларни айтмоқчиман: шу яқин орада мазкур масала хусусида расмий маълумотларни эълон қилиш лозим бўлур эди, чунки ҳақиқатан ҳам партия ва халқ ҳақиқатни билиш ҳуқуқига эгадир. Ҳозирча эса «Московские новости» газетасида эълон қилинган таги пуч рақамлар ўқилмоқда. (**Қарсаклар**).

Партия ходимининг битта имтиёзи бор, у ҳам бўлса, олдинда бўлиш, партиянинг сиёсати учун курашиш, ўз халқига комил ишонч билан сидқидилдан хизмат қилишдир. (**Қарсаклар**).

Бизни текисчиликка тортаётган кишилар ҳам бор, улар социал адолат билан текисчилик ўртасига баробарлик аломатини қўймоқдалар. Баъзан омма орасида ўз одами бўлиб кўриниш учун шундай қилинмоқда. Текисчилик тайёрга айёрликни келтириб чиқаради, одамлар меҳнатини бир хил қилиб қўяди. Жамиятимизда хизмат қилмасдан имтиёзлардан фойдаланаётган, давлат мулкини ўғирлаётган кишилар борлиги ҳам ҳақиқатдир. Бу борада қаттиқ тартиб ўрнатилиши керак.

Биз бундай ишни бошлаганмиз. Бошлаганда ҳам, жумладан, Ўзбекистонда, Краснодар ўлкасида 1985 йилнинг апрелидан бир-бир ярим йил илгари бошлаганмиз. Мамлакат раҳбариятида бошқа кишилар турган кезларда бошлаганмиз. Ўша даврда бу иш билан машғул бўлган кишилар учун аҳвол ниҳоятда оғир бўлганини тушуниб турибсиз, деган умиддаман. Ҳар лаҳзада, агар тақдир кулиб боқса, олис мамлакатга элчи қилиб жўнатишлари ҳеч гап эмас эди. Ана ўша кезда ҳам Михаил Сергеевич Горбачев қатъият билан шундай деди: партия ва жамиятда танқиддан ва назоратдан холи зоналар бўлмаслиги керак. Бу иш ҳозир қатъият ва изчиллик билан давом эттирилмоқда ва шунга ишончингиз комил бўлсинки, совет раҳбарининг покиза қиёфасига доғ туширган ана шу одамлар қайтиб келмаслиги учун сиз билан биргаликда барча ишлар қилинмоқда. Бундай одамларнинг замони ўтди. (**Қарсаклар**).

Ва ниҳоят, пировардида партиядаги интизом ҳақида гапирмоқчиман. Мунозара давомида турли нуқтаи назарлар тўқнашади. Бу ажойиб ва нормал ҳолдир. Аммо, коммунист, Марказий Комитет аъзоси, партиянинг қўллаб-қувватлашига эриша олмаганидан кейин буржуазия матбуотига мурожаат қилса, ёмон, албатта. Қўшиқдан сўзи олиб ташлаб бўлинмаганидек, бу фактни ҳам ўчириб юбориш мумкин эмас. Ўртоқ Ельцин ўзи ҳақида эслатиб қўймоқчи, яхши кўринмоқчи бўлган кўринади. Бундай одамлар ҳақида, уни минбарнинг хумори тутади, дейишади. Сени олқишлашларини бунча яхши кўрмасанг, Борис! Ҳамиша интервью билан машғул бўлаверсанг, ишлашга вақт ва куч қолмайди-ку, ахир.

Биз ҳақимизда ҳам ёзишмоқда. Жумладан, чет элларда Лигачев ҳақида ҳам ҳар хил гаплар ёзилмоқда. Баъзан мендан бунга сизнинг муносабатингиз қандай, деб сўрашади, улуғ рус шоирининг мисрасини бироз ўзгартириб бундай демоқчиман: қаҳр-ғазаб билан увиллашда маъқуллаш каломини ҳам эшитиб турибман. (**Қарсаклар**).

Биз, ўртоқлар, ўз йўлимиздан, тинчлик ва социализм йўлидан бормоқдамиз. Партия ва унинг раҳбарияти якдилдир. Бизда фракциялар, реформаторлар ва консерваторлар йўқ. Лекин ана шундайлар бўлишини кимнингдир кўнгли жуда тусаб турибди. Бундай мулоҳазалар раҳбарият ўртасига низо солиш учун тиқиштирилмоқда. Мен илгари ҳам бу ҳақда гапирган эдим, яна айтаман, ҳозир бошқа замон, бошқача сиёсат ва бошқа раҳбарлар ишлашмоқда. Биз ҳаммамиз қайта қуриш сиёсатига ниҳоятда содиқмиз. Биз бу улуғ ишни бутун ҳаётимизнинг мазмуни деб биламиз. (**Давомли қарсаклар**).

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат СССРнинг ГФРдаги элчиси **Ю. А. Квицинский** Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан кейин КПССнинг бутун ташқи сиёсий фаолиятидаги чуқур революцион ўзгаришларга тўхталиб ўтди. Нотиқ Октябрдан кейинги суронли йилларда бўлгани каби ҳозир бутун дунёнинг нигоҳи мамлакатимизга қаратилган, деб таъкидлади. Халқимизга нисбатан хайрихоҳлик кучайиб бормоқда.

Делегат мамлакатимиз тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини таърифлаб берди.

Мамлакатимизга фақат дўстларигина қизиқиб қарашаётгани йўқ, албатта. Чет элларда кўпгина сиёсий арбоблар борки, улар қайта қуришга сўздагина қизиқишини намойиш этиб, амалда эса социализмни ўз позицияларидан суриб чиқаришдан иборат ҳар хил маккорона режаларни амалга ошириш умидларини қайта қуриш билан боғламоқдалар. Баъзи бир кимсалар бизнинг ички миллий чегараларимиз сурилишини истарди.

Экономикамизни ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади сўнгра нотиқ. У мамлакатимизнинг ташқи бозорлардаги аҳволи тўғрисида баъзи маълумотларни келтирди. Технологик жиҳатдан қолоқлик ва кўпгина маҳсулот турларининг сифати пастлиги мамлакатни ташқи иқтисодий муносабатларда оғир аҳволга қўймоқда. Совет Иттифоқининг экспортида тайёр маҳсулотлар улуши шу пайтгача унинг умумий ҳажмида ниҳоятда оз қисмни ташкил этади. Биз эса ғалланигина эмас, металлни ҳам четдан харид қиляпмиз, ҳолбуки, уни АҚШга қараганда кўпроқ ишлаб чиқарамиз.

Делегат ташқи сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан иқтисодий куч-қудрат ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини уқтириб ўтди. Биз ҳозирча экономика соҳасида мувозанатга эриша олмадик. У Ғарбий Европадаги интеграция жараёнларини эслатиб, социалистик мамлакатларнинг интеграцияси Ғарб мамлакатларнинг интеграциясидан орқада қолаётганлигини таъкидлади. Социалистик мамлакатлардаги оддий кишилар бу жараёнда қатнашаётганлари йўқ. Бу соҳада ҳам демократиялаш зарур. Шундай қилинмаса, чинакам социалистик интеграция бўлмайди.

Шу билан бирга, деди делегат, СССРнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларида чуқур, қувончли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Нотиқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг гражданлари сайлайдиган шу мамлакатлар парламентини ташкил этиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам баҳам кўрди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, деб таъкидлади пировардида нотиқ, конференцияда қилинган доклад, унинг ғоялари, конференциянинг қарорлари ва хулосалари бутун дунёга зўр таъсир ўтказади. Ташқи сиёсат маҳкамасининг коммунист ходимлари бошқа система билан ҳар кунги кескин мусобақа шароитида ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал этмоқдалар. Барча қийинчиликларга қарамай, мамлакатимиз тўғри йўлдан бораётганига уларнинг ишончлари комил. Қайта қуриш тобора олға бориб ҳар томонлама авж олаверади.

Бизнинг республикамизда, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. А. Ниёзов**, қайта қуриш кўп жиҳатдан ўтмишдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш билан боғланган. Ана шу салбий ҳодисалар партия ташкилотларининг обрў-эътиборига, одамларнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказган эди. Нотиқ ҳозир республикада давом этаётган покланиш жараёни тўғрисида муфассал гапирди. Ленинча турмуш нормаларидан чекинишларнинг манбалари очиб ташланди, бунда айбдор бўлган кўпгина кишиларнинг хулқ-атворига принципиал баҳо берилди.

Мамлакатнинг бошқа регионларида ҳам худди шундай покланиш жараёни бормоқда. Шу муносабат билан биз партия съездлари ўртасидаги даврда Марказий Комитет составини қисман янгилаш тўғрисида докладда баён этилган қоидани қўллаб-қувватлаймиз, деди нотиқ. Афтидан, бу ишни маҳаллий партия комитетларига ҳам ёйиш керак.

Нотиқ республиканинг иқтисодий турмушидаги ўзгартишлар тўғрисида ҳам гапирди. У меҳнаткашлар хўжалик юритишнинг янги усуллари асосида муваффақиятларга эришганликларини таъкидлади, иқтисодий ислоҳот йўлида пайдо бўлаётган мураккабликларни, ҳал этилмаган муаммоларни айтиб ўтди. Кадрларнинг анчагина қисми ўтмиш йилларда қарор топган сусткашлик, муросасозлик иш услубига ҳамон амал қилиб келмоқда. Баъзилар қайта қуришда ўз позициясини белгилаб олмай, шунчаки кутиб турибдилар. Делегат консерватив бюрократик раҳбарлик усулларини тубдан бузиб ташлаш зарурлигини айтди, шундай қилинмаса, бундан буён олға бориб бўлмайди. Шу муносабат билан КПССнинг совет жамияти сиёсий системасидаги роли ва ўрни тўғрисидаги, партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш ҳақидаги масала энг асосий масаладир. Делегат район партия комитетларидан бошлаб то Марказий Комитетгача биринчи секретарлар айни бир вақтда Советларнинг раислари бўлиши тўғрисидаги таклифни Туркманистон делегацияси номидан қўллаб-қувватлади.

(**Давоми учинчи бетда**).



СУРАТДА: конференциянинг якунловчи кунида мажлислар зали. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

## РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНИ

Ҳиндистон Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси, жаҳон касаба союзлари федерациясининг вице-президенти, Ҳиндистон касаба союзлар конгрессининг Бош секретари Индражит Гупта Тошкентда бўлгани, Ўзбекистон меҳнаткашлари билан учрашганидан ниҳоятда мамнун эканлигини айтди. Индражит Гупта 3 июль куни республика пойтахтидан жўнаб кетди.

У тўрт кун мобайнида шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига, В. И. Ленин Марказий музейининг филиалига, амалий санъат музейига борди. Меҳмон Тошкент областидаги хўжаликларга борди, пионерлар лагерида бўлди. Индражит Гуптанинг айтишича, кўрган барча нарсалари унда унутилмас таассурот қолдирди.

Меҳмон Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди, Ўзбекистон касаба союзлари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

(ЎзТАГ)

